

Хар кайси давр адабиёти ёки муайян санъаткор ижодига турли нуктаи назар ва мавкедан ёндашса бўлади. Адабиётшунослар кўпинча бадиий ижоднинг етакчи пафосини, гоёвий-эстетик маъно кирраларини, янада аникроги, ижодкорнинг нимани айтаётганлиги ёки нима демокчи бўлганлигини текширишга эътибор беришади. Лекин хар кандай даврдаги адабий жараённинг туб мохиятини ёки муайян бир ижодкорни тўла-тўқис англаш учун шунинг ўзигина етарли эмас. Бадиий ижод ходисаларига, адабий сиймоларга хакконий баҳо бериш учун уларнинг генезисини, яъни келиб чиқиш ва вужудга келиш тарихини, адабий-маънавий сарчашмаларини, умуман, бадиий таъсирланиш ва маънавий-рухий озикланиш манбаларини аниклаш жудаям зарурдир. Бунингсиз исталган шоир ёки санъаткор тўгрисида тугал тасаввур хосил этиш мушкул. Мумтоз адабиёт намояндаларига ҳам, замонавий ёзувчилар ижодига ҳам шу йўсинда ёндашилса, асл бадиий хакикатни англаб етиш бирмунча осон кўчади.

Миллий сўз санъатимиз ва улкан санъаткорларимизнинг генетик мохиятини чуқур билиш ҳамда хакконий ёритиш, умуман, адабиётнинг тараккиёт хусусиятларини, бадиий ижод сирлари ва конуниятларини белгилашда кўл келишини махсус таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. XX аср рус шеърятининг буюк намояндаларидан бири Осип Мандельштам машхур мақолаларидан бирида айни шу масалага тўхталиб, куйидагиларни айтиб ўтганди: «Шоирнинг адабий генезисини, адабий сарчашмаларини, унинг маънавий якинларини ва келиб чиқишини аниклаш бизни тўгри ўқ илдизга олиб боради. Мунаққид шоир нима демокчи бўлган, деган саволга жавоб бермаслиги ҳам мумкиндир, бироқ унинг келиб чиқиш манбаларини айтишга бурчлидир».

Шуни алохида таъкидлашга тўгри келадик, шеърятимизга олтишинчи йилларда кириб кела бошлаган иктидорли шоирлар, хусусан, Эркин Вохидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Чўлпон Эргаш, Омон Матжон, Мухаммад Али, Маъруф Жалил каби забардаст ижодкорлар бадиий оламига худди шу нуктаи назардан ёндашилмаган. Бадиий тафаккуримизнинг кейинги даврлардаги ривожланиш йўлларини ва йўналишларини аниқ тасаввур этиш учун мазкур авлоднинг адабий-маънавий таржимаи холини билиш муҳимдир. Дастлабки қадамлари балан адабий жамоатчилик ва устозлар назарига тушган ёш каламкашларнинг ўз ижодий йўлларидан умиди, ўз истеъдодлари тақдирига ишончи зўр эди. Абдулла Ориповнинг «Созим» (1967) деган фахриясида ўша умидворлик, ўша орзу ва ўша навкирон ишонч дадил ифодаланганди: «Мен шоирман, истасангиз шу, Ўзимники эрур шу созим. Бировлардан олмадим туйгу, Ўзгага ҳам бермам овозим. Мен куйлайман – гох дилда қадар, Гох севиниб шеър тўқийман мен. Тингламаса ўзгалар агар, ўз-ўзимга шеър ўқийман мен». Ёш лирик қахрамоннинг шундай соф ва бегубор шоирона ақида билан яшаши, эзгу мақсад билан калам тебратиши калбингизга беихтиёр шуқух багишлайди. «Шеър кечаси» деган таъсирчан манзумасида Эркин Вохидов ўз поэтик истикболи хусусида кўтаринки руҳда, ёшликка хос соф бир самимият билан сўзлайди: «Шеърлар чамани кенг, Умрим ҳам узок, Гуллар теражакман кучок ва кучок. Аммо бир гул менинг юрагимдадар. Бир шеър ёзмок менинг тилагимдадир. Бу шеърни излайман аклимни таниб, Бу шеърни куйлайман оташда ёниб. Бу шеър ишки билан яшайман мудом, Бу шеър ишки билан кўнглимда илхом, Бу шеърга банд бутун эзгу

хисларим... Мени маъзур тутинг, бу гал дўстларим, Кувнок даврангизда ўкиб бергали Энг яхши шеъримни ёзмабман хали». Ана шу «Энг яхши шеър» идеали ва аъмоли лирик «мен»ни бир зум тинч кўймайди. Уни фаол маънавий фаолиятга, курашларга ундайди, юксак ижодий чўккилар сари етаклайди.

Ёш лирик кахрамон эстетик дунёкараши ва адабий орзулари Рауф Парфининг «Шеърият» номли шеър-хитобида таъсирчан акс этган: «Юксак орзулари бордир шоирнинг. Шоирларда бўлар факат эзгу

ният. Калам, калам эмас – Бонгга зарб ила урилгувчи чўкмор, Ундан таралгувчи садо ва акс-садо сен – шеърият!» Муаллиф шеъриятимизда тугилаётган янги садонинг кудратига ва такдирига, унинг давомли акс садоларга айланишига чин дилдан ишонади. Ёш шоир шеърият, сўз дунёси хакида шунчалар олижаноб, шу кадар юксак фикрда. Бу дунё унга кандайдир фавкулудда, беҳад махобатли туюлади. У шеъриятни дунёдаги энг эзгу ва энг кудратли овоз, деб билади. Замоннинг бошка бир навкирон ижодкори Омон Матжон шеърият кошонаси қошида уятчан ва ўйчан кайфиятда турган ёш каламкаш ахлоли-рухиясини, унинг калбидаги ийманиш ва илинж, мукаддас даргоҳ остонасидаги журъатсизлик ва хаяжон хисларини ҳамда кўнгилдаги узундан-узун дардмандлик, орзумандик туйгуларини хакконий, самимият билан тасвирлаган: «Кимнидир ахтардим, ахтардим узок, Кўзим паналаб баъзан куёшдан. Гилдирак изидек узун тунларда Номин хай-хуйладим унинг тоғ-тошдан. Ва ниҳоят, бугун – истикбол куни Кўриб колдим уни оламдек равшан – Менинг калбим эди у, дунё таниб Шеърият эшигин кокарди ўйчан».

Юкорида келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, ҳар бир ижодкорнинг адабий-эстетик идеалини ўз асарларидан, яъни унинг ўз эътирофлари ва дил сўзларидан излаганимиз маъқулроқ. Ёш шоирларнинг турли-туман фахриялари ва кадрдон устозларга багишловларида биз янги лирик кахрамоннинг маънавий озикланиш ва таъсирланиш манбаларини, рухий таянч ва суянчикларини, кайсидир маъноларда эса савкитабий интилиш мўлжалларини кузатамиз. Синчиклаб каралса, авлоднинг адабий-маънавай куч олиш манбалари кенг кўламлилиги ва ранг-баранглиги билан диққатни тортади. Энг муҳими, ушбу авлоддошларнинг адабий-маънавий интилишлари силсиласида, айтиш мумкинки, бирортаям ўткинчи ёки тасодифий номлар йўқ.

Абдулла Ориповнинг «Сен Пушкиннинг севган малаги» деб бошланадаган ажойиб шеъри янги лирик кахрамон поэтик таржимаи холини билишга бирмунча кўмаклашади: «Сен Пушкиннинг севган малаги, Сен Гёте орзу этган киз. Сен Байроннинг ўтли юраги, Сен Гейнени ёндирган юлдуз. Алишернинг Гулисисан сен, Сен Лутфийнинг сўлим газали. Булбулисан Хофиз гулшанин Ва Хайёмнинг ширин асали Толеимда нозланаб турган, Эй сен менинг эрка гўзалим». Ёш шоирнинг ўзи хакидаги нозик фахриясида иккита муҳим фикр ифодаланганини кўрамыз. Биринчидан, муаллиф фахриясида Шарку Гарб манбаларини маҳсус таъкидлаб, ўзига маънан ва рухан якин сўз даҳоларига алоҳида эътиборни каратади. Иккинчидан эса ёш лирик кахрамон санъат дунёсида ўткинчи ёки шунчаки меҳмон эмаслигини навкирон бир эхтирос билан кайд этар экан, унинг: «Толеимда нозланиб турган, Эй сен менинг эрка гўзалим», дея ўз шеър илоҳасини чексиз бир севги билан куйлаши ва бу илохий гўзални Пушкиннинг севган малаги, Гёте орзулаган киз, Байроннинг ўтли юраги, Гейнени ёндирган юлдуз, Алишернинг Гулиси, Лутфийнинг сўлим газали, Хофиз гулшанининг булбули, Хайёмнинг ширин асали, деб таъриф-лаши ва улар билан киёслаши калбингизга фараҳ, шукуҳ багишлайди. Айни чоғда, мазкур мисралар истеъдоднинг кудрати ва бадий мўлжаллари хакида ҳам муайян тасаввур беради. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш даркорки,

юкорида тилга олинган юксак ва улугвор номлар, умуман, олтмишинчи йиллардаги шоирлар авлоди учун азиз ва мўътабар номлар эди. Улардан, айникса, Навоийнинг авлод адабий-маънавий таржимаи холи шаклланишидаги ва келгуси тақдиридаги ўрни, хаётбахш таъсири теран ва эътиборга лойикдир.

Абдулла Орипов «Алишер» номли шеърида Навоийга муносабатини янада теранрок ифодалашга эришган. Муаллиф талкинчи, Навоий ижоди факат она тилидаги шеъриятнинг энг юксак чўккиси ёки бетакрор тимсолигина эмас. Балки миллий борликнинг энг ёркин бошлангичи, миллий ўзликнинг энг мукамал рамзидир: «Жахонки мукаддас нени кўрибди – Барига онасан, эй кодир хаёт. Беш юз йил наридан бокиб турибди, Нурли бу юзларга нуроний бир зот. Шу буюк ўглингни ардоқлаб дилдан, Халким, таъзим этсам арзийди тамом. Унинг номи билан бирга битилган Дунё дафтарига ўзбек деган ном». Шеърда улуг бобокалонимизнинг миллий маънавият ва маданиятимиздаги муаззам ўрни билан бирга, айти чогда, улуг тарихий шахс сифатида бекиёслиги хам очиб берилган.

Олтмишинчи йиллар шоирларининг Навоий хазратлари билан маънавий мулоқот ва унсиятидан сўзларкан, Эркин Вохидов шеъриятида алломага бўлган ниҳоясиз мухаббатни махсус тилга олиб ўтиш жоиздир. Эркин Вохидовнинг лирик кахрамони хам Навоий санъатининг ўнлаб улкан ва ўзига хос, олис ва якин акс-садоларидан бири сифатида ўша илохий ижодга адоқсиз меҳрдан тугилган, ўша мукаддас меросдан ранглар ва оханглар ўзлаштирган. Улуг алломага чексиз ихлосини Эркин Вохидов катор шеърларида чин дилдан, ёниб-куйиб куйлаган. Навоий дунёсини ўз шоирона рухининг азал-абад замини, куч-кувват ва маънавий озука олиш маскани, асосий таянч нуктаси, деб таърифлаган: “Фузулий девонин кўлимга олдим, у солди кўнглимга газал меҳрини... Кўп захмат сўнгиди англаб етолдим Устоз Алишернинг буюк сеҳрини. Уни танидим элимни билдим. Махкамрок тургандай бўлдим заминда. Диёрим, сен билан ифтихор килдим, Барча шавку оташ шу боис менда». Ушбу мисраларда Навоий меросининг бугунги авлодлар учун адабий-бадиий, айти пайтда, миллий-маънавий Ватан эканлиги поэтик таъкидланган. Ёш шоир биргина сўзга меҳр эмас, балки элу юртга мухаббат хам шу кутлуг шеърият туфайли калбига кириб борганлигини сидкидилдаи эътироф этади. «Уни танидим элимни билдим» мисрасининг маъно кўлами Навоий дахосининг ёш каламкаш учун кимлигини тенгсиз миллий ифтихор рамзи, хаёт-мамот янглиг бир кудрат, яшаш ва яратишга чорловчи маънавий-рухий манба эканлигини билдиради. Навоий Эркин Вохидов наздида, миллий шеър санъатининг энг юксак тимсоли бўлибгина колмай, шу билан бирга, она юрт, Ватан рамзи хамдир. «Ватан ва Навоий» ёки «Навоий ва миллат» – улуг устоз сўзининг «буюк сеҳрини» чин дилдан севган ва англаб етолган инсон – ижодкор учун хакикатан хам ёндош ва жондош атамалар, синоним тушунчалардир. Зеро, миллат рамзига айланган улугвор санъаткорлар ижодида шахснинг маънавий олами сархадлари мукаддас Ватан худудлари билан туташади, янада аниқроги, тенглашади: «Шунинг-чун сўрсалар: – Илк устозинг ким? Сенга шеър асрорин ким этди ошкор? Дейман: – Калам берди мукаддас юртим, Ватан меҳри этди мени шеърга ёр».

Авлоднинг Навоий дахосига сўнгсиз севгиси хусусида фикр юритганда, яна катор шеърларни, айникса, бир канча унутилмас мисраларни четлаб ўтиш кийин. Рауф Парфийининг куйидаги дилга якин ва ёник сатрлари шулар жумласидандир:
Шоир, шеър айтмокка сен шошма факат,
Улуг Алишернинг кутлуг тилида .

Бунда она тилимиз хамда улуг Навоий теппа-тенг улугланган. Аникроги, муаллиф уларни онгли равишда тенглаштирган. Яъни Навоийнинг «кутлуг тили» – бу она тилимизнинг ўзгинаси демакдир. Ушбу гоят хаётий ва ўринли мукоясада заррача муболага йўк. Хакикатан, она тилимизнинг бойиши, ривожи ва гуллаб-яшнаши, жахоннинг энг обрўли ва улугвор адабий тилларидан бирига айланишида Навоий кадар меҳнат ва машаккат чеккан иккинчи бир сиймони ўйлаб топиш мушкул. Худди шу сабабли муаллиф юкоридаги сатрларда мазкур хакикатни астойдил уктиради. Айни чоғда, ушбу таъкидда ёш шоирнинг Навоий бадиий мўъжизасига чексиз мухаббати хам акс этган. Ха, Рауф Парфи таърифида, улуг Алишер, «кутлуг тил» ижодкори ва бунёдкори, рухимизни илохий бир тарзда янгатган мўъжизалар сохиби сифатида эъзозланади. Умуман, бадиий ижоднинг ёки айрим адабий авлодларнинг генезисини, яъни тугилиш ва келиб чиқиш жараёнини тадқиқ этиш хар доим жиддий илмий аҳамиятга молик масалалардан хисобланиб келган. Айни шу жихатдан олтмишинчи йиллар шоирлар авлодининг адабий-маънавий манбалари хакида фикр юритарканмиз, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўша даврда адабиёт оламига кириб келган ёш каламкашларнинг адабий сарчашмалари сирасида Гафур Гулом ва унинг катта авлодининг (Иброҳим Гафуров) мавқеи ва салмоғи бутунлай бўлакчадир. Хакикатан хам Гафур Гулом, Ойбек, Хамид Олимжон ва Зулфия, Максуд Шайхзода, Абдулла Каххор, Миртемирлар ёш шоирлар учун чин маънода намуна, тимсол эдилар. Улар ижодидаги устоз санъаткорларга аталган катор шеърий асар ва дostonлар, турли бағишловлар, ёлқинли мадхиялару ёник марсиялар шундан далолат беради. Авлоднинг пешкадам вакилларидан Эркин Воҳидовнинг XX аср ўзбек шеъриятининг яловбардорларидан бири Хамид Олимжонга бағишланган куйидаги самимий сатрлари юкоридаги мулоҳазаларимизни тасдиқлайди.

Мени шеър богига етаклаган ким?

Бу чаман асрорин ким этди аён?

Оламдан мен факат шодлик изладим,

Менга устоз бунда Хамид Олимжон

Айтиш керакки, ёш шоирларнинг устозларга кизикиши ва меҳри шунчаки оддий, одатий авлодлараро муносабат билангана чегараланмайди. Бу тарихнинг фавкулудда ва менгзарсиз гардиши, замоннинг беомон эврилишлари боис тугилган бетакрор бир хис, хайратомуз бир мухаббат эди. Олтмишинчи йиллар шоирлар авлодининг маънавий оламини ушбу мухаббатсиз тасаввур этиш кийин. Зеро, ёш шоирларнинг Ватанга, миллатга, элу юртга оташин меҳри ана шу мухаббат алангасида йўғрилган, десак адашмаймиз. Уларнинг инсон ва адабий шахс, ватандош ва санъаткор сингари ўсиб-улгайиши, шаклланиб вояга етиши бевосита устоз деб аталган мукаддас маънавий оталарнинг меҳри, далдаси ёрдамида, ижодий сабоклари таъсирида кечган, рўёбга чикканди.

Шоира Зулфияга бағишланган «Теранлак» шеърида Эркин Воҳидов устоз ва шогирдлар, катта ва ёш авлод ўртасидаги маънавий алоқаларни чиройли очиб берган: «Теранликни кидирмадим уммонлардан, Инсонлардан топдим уни, инсонлардан. Теранлик – бу нур ёгилган юзлардадир, Теранлак – бу ўйчан боккан кўзлардадар, Теранлик – бу айтилмаган сўзлардадир». Муаллиф ихчамгина шеърда теранликни – не-не синовларга ва кўргиликларга, «машъум йиллар дилга солган озор»ларга, «оналарнинг хасратию ох-зорлари»га, замоннинг зилзилаю тўфонларига дош беролган буюк ва пок калбларгина эришиши мумкин бўлган ахлокий фазилат, рухий баркамоллик

сифатида таърифлайди: «Теранликнинг таърифига сўз бормикан? Машъум йиллар дилга солган озоридан, Оналарнинг хасратидан, ох-зоридан Одамларнинг юрагида уммони бор, уммонларнинг сокинлигу тўфони бор». Табиийки, бунда таъриф ва тахлил этилаётган улугвор ва бой умр йўли, серкирра ва сермаъно хаёт мазмуни билан бирга, ундан ёш шоир чикарган хулосалар ҳам ибратомуздир: «Умидларда хаёт кадар теранлак бор. Кўнгилдаги сабот кадар теранлак бор. Теранликни кидирмадим уммонлардан. Инсонлардан топдим уни, инсонлардан». Дархакикат, мана шундай нодир умр ва ижод сабоклари эндигина мустакил хаёт ва адабиёт остонасида турган навкирон каламкашлар учун жудаям зарур ва бебахо эди. Олис манзилларни кўзлаган, олдинда не-не мураккаб ва зиддиятли хаёт, ижод довлари кутиб турган ёш авлодга маънавий суянчик ва таянчдай керакли хамда кимматли эди. Олтмишинчи йиллар шоирлари ўз мухитларида худди шундай таянч нукталарни топа олганлари, айна пайтда, уларга суяниб, маънавий-эстетик изланишларида улардан куч, мадад ола билганлари учун хам ўз олдларига замон нуктаи-назаридан мухим гоёвий-бадий мадсадларни, зарурий вазифаларни кўйишга журъат килдилар.

Устозлар босиб ўтган йўлдан ва улар колдирган меросдан анланган ва чикарилган маънолар, келинган хулосалар – бу уларнинг наслар маънавиятида яшаши демакдир. Бошқачарок айтсак, ворисларга эга бўлиш, кейинги авлодлар ички эхтаёжига айланиш – бу замонлараро робитанинг узилмаслиги белгисидир. Миллий бадий тафаккур тараккиётида шу нарса катта ахамиятга моликдир.

Абдулла Орипов, Эркин Вохидов, Рауф Парфилар мансуб тенгкур каламкашлар билан Ойбек, Хамид Олимжон, Гафур Гуломлар авлодининг маънавий алокалари катта тадқиқотларга мавзу бўлишга арзийди. Бу жихатдан хар иккала давр – авлод шеъриятининг билимдони, атокли адабиётшунос олим Иброхим Гафуровнинг “Куёшга” маколесидаги кузатишларини эслаш жоиз кўринади: «Эркин Вохидовнинг илк шеърларини ўкиган ва тинглаган одамлар канчалар бирдан завкланиб кетганликларини ўзим кўп маротабалаб кўрган, кузатганман. У пайтлар Ўзбекистон хавосида Гафур Гулом, Ойбек, Шайхзода сингари жўшқин эхтиросли, маърифатли шоир ва адилларнинг сўзлари, оханглари, кофиялари, латифалари, доноликлари чарх уриб канот кокарди.

Ўша даврнинг урушдан базўр омон чиккан биз мургак болаларини Гафур Гуломнинг сўзлари тамомила ўзига ром килиб олган эди. Унинг «Яша, дейман, ўғлим!», «Билиб кўйки, сени Ватан кутади», «Аввал ўки», «Тонготар кўшиги», «Куёшчалар шеъри», «Бир гунча очилгунча», «Чарогларим-карогларим» сингари энг олд шеърларини худди оятдай такрорлаб юрар эдик. Эркин Вохидов эса Гафур Гулом шеърларини илохий бир даражада севар эди”. Устоз авлодлар ижоди ва дунёкарашининг ўша давр ёш каламкашларига кучли ва табиий таъсирини юкоридаги мулохазалар равшанрок тушунтиради деб ўйлайман. Ва ушбу таъсир ва маънавий мулокот шунчаки бир ўткинчи холат, киска фурсатли бир кизикиш эмасди. Катта авлоднинг гоёвий-эстетик олами ёшларнинг адабий изланишларида узок вақт акс-садо беради. Хусусан, уларнинг дастлабки асарларида ўрганиш майли, таъсирланиш ва таклид кўлами анча кенг эди. Ёш шоирлар устозлар бадий оламига бегубор бир мухаббат билан талпинар эдилар. Тўгри, бир канча фурсат ўтгач, ёш каламкашлар уларнинг идеал ва гоёлари, замонага мос карашларига шубха билан ёндашишга бошладилар. Бундай фикр ва гоёлардан кутулиш заруратини ёш авлод зийраклик билан англаб етади. Бирок устоз авлоднинг соф инсоний ва шоирона дунёси, замонлар колипига сигмаган мангу эстетик кадриятлари, бадий кашф ва топилмалари ёш шоирлар учун бир умр кадрдон бўлиб қолади.

«Тадкикотчилар Эркин Вохидовнинг ўша пайтдаги шеърларида, – деб ёзади Иброхим Гафуров юкорида тилга олинган маколasiда, – Гафур Гулом, Ойбек, Хамид Олимжоннинг оханларига эргашиш майли кучли, деб кайд этганлар. Бунда, албатта, маълум бир хакикат йўқ эмас.

Лекин, билмадим, тўғри тахмин кияпманми ё нотўғрими, хар холда шоиримизнинг илк даврида хаётдан бўса олиб ёзиш, унинг найини чалиб ёзиш ва бир сўз билан айтганда, «куёшча» бўлиб ёзиш устунлик килади. Улар ўзини куёшча деб хис килган ёш йигитча, багри оламга кенг очилган, кулоги Гафур Гуломнинг хузурбахш оханграбо аллаларига ўрганган зувалали шоирнинг шеърларидир. У Гафур Гулом илгари сурган идеаллардаги инсондек яшашга чоғланган. Хаётдан, оламдан факат тиниклик, сурур, магрур юксалишни кўзлайди. Эркин Вохидов Гафур Гулом билан Ойбек кандай айтган бўлса, шундай илмлар тоғлари ва чўккиларини забт этмок иштиёки билан хаётга отланади...” Мазкур мулохазалар олтмишинчи йиллар шоирлари авлодининг барча вакилларига у ёки бу даражада тааллуқли, деб бемалол айтиш мумкин.

Олтмишинчи йиллар ёшлар шеъриятида хилма-хил сабаблар ва маънавий эhtiёж юзасидан устозлар меросига, анъаналарига мурожаатни эътибордан сокит килиб бўлмайди. Ўша мурожаатнинг мухим кўринишларидан, масалан, турли эпиграф ва иктибосларни, катта авлод ижодидаги етакчи мавзу ва мотивларга издошларча ёндашувни айтиш мумкин. Ёки ранг-баранг шеър ва манзумаларида ёш шоирлар устозлар шахсига ва хаёт йўлига, улар ижодининг ёркин ва бетакрор кирраларига алохида ургу беришади. Энг мухими, хамиша устоз шоирлар адабий сабокларига эhtiёжманд ва орзуманд кўнгил кўзи билан карайдилар.

Бу хусусда, Абдулла Ориповнинг бир катор шеърларида ана шундай ёндашувнинг гувохи бўламиз. Жумладан, «Ўзбекистон» касидасида Абдулла Орипов, табиий равишда, Гафур Гулом билан Хамид Олимжонни эслайди. Ойбекни махсус тилга олиб ўтади. Сиз ўша мисраларни ўқиётиб, бу ёдга олишлар шунчаки юзхотир юзасидан ёка номига эмаслигини чукур хис киласиз. Ёш шоирнинг устозларни кандайдир согинч ва меҳр билан эслашида чукур сабаблар мавжудлигини англайсиз. Ахир, она Ватанни ким хам улардай жўшқин илхом, эhtiросли ва баланд пардаларда куйлаганди?! Ўзбекистон хакидаги энг дилбар дostonларни, энг дилрабо кўшикларни улар ёзмаганмиди?! «Сен кетарсан балки йирокка, Фаргонада балки балкарсан. Балки чикиб окарган токка. Чўпон бўлиб гулхан ёкарсан. Балки устоз Ойбекдек тўлиб Ёзажаксан янги бир дoston, Балки Хабиб Абдулла бўлиб, Сахроларда очажаксан кон. Тупроги зар, маъданам маним, Ўзбекистон, Ватанам маним». Ишончимиз комилки, мазкур мисраларда устоз Ойбек эсланмаганида эди – муаллифнинг хам, бизнинг хам кўнглимиз унчалик тўлмаган бўларди. Зеро, бунда «бетимсол Ойбек» (Абдулла Орипов) факатгина бадиий образ тарикасида гавдаланмайди. Шу билан бирга, «устоз Ойбек» Ватан образининг ва тасаввурининг мухим бир кирраси хамдир.

Колаверса, Ватан образини яратишга, уни куйлашга бел боғлаган шогирднинг устозларни бир кур ёд этиши, шубхасиз, чукур маънавий эhtiёж, миннатдорлик, айна пайтда, адабий бурч ва карздорлик туйғулари билан боғлиқ бўлса керак. Табиийки, бунда навкирон бир миллий ўзлик тасдиги, фарзандларча гурур ва ифтихор туйғулари хам балкиб турибди: «Юрмасман хеч беҳиштни излаб, Тополмасам чекмасман алам. Ўтирмасман эртақлар сўзлаб, Мусалло деб йўнмасман калам. Кўкламингдан олиб сурурни, Доврук солди устоз Олимжон. Гафур Гулом туйган гурурни Килмок мумкин дунёга дoston. Олис тарих кадамим маним, Ўзбекистон, Ватанам маним!». Абдулла

Ориповнинг нозик ва лутфкор бадий тахлилида устоз шоирлар дунёсининг бетакрор жихатлари, улар истеъдоди ва ижодининг етакчи кирралари бўртиб акс этган, дейиш мумкин. Абдулла Ориповнинг поэтик таъриф ва талкинлари ўзининг беҳад хаётийлиги, хакконийлиги билан диккатни жалб этади.

Агар таъбир жоиз бўлса, устоз шоирлардан Абдулла Ориповга рухан жуда яқини алломайи замон Гафур Гуломдир. Бу нарса ўқиш-ўрганишлар ва хар турли таъсирланишлар билан бирга, айна чоғда, истеъдодлар табиати, бадий тафаккур ва идрокдаги табиий тугма уйгунлик, азалий ўхшашликлар хосиласида тушунилса ва талкин этилса, айна муддаодир. Кези келганда, куйидагача киёслаш фикримизни равшанлаштиришга ёрдам беради, деб ўйлаймиз: Эркин Вохидов шеърияти ўз услубий йўналишига кўра ва рухан Хамид Олимжонга; Рауф Парфи лирикаси ўз табиатига биноан Ойбек ва Усмон Носирга; Омон Матжон ва Маъруф Жалилнинг хаётий мазмун билан йўгрилган, воқеабанд шеърлари Миртемир домланинг содда, самимий, дилкаш ва донишманд шеъриятига; Чўлпон Эргашнинг гоят вазмин ва ўйчан тажрибалари Максуд Шайхзоданинг фикрчан ва фалсафий лирикасига хамоханг туюлади. Ана шундай маънавий махрамлик, рухий кондошлик, бадий тахайюлнинг бепоёнлиги, «рухий поённинг чексизлиги» жихатидан Абдулла Орипов замонамизнинг улуг санъаткорларидан Гафур Гуломга яқинрок туради. Ва биз, шу ўринда, устозу шогирдлар ўртасидаги ўзаро муносабатни факатгина сийкаси чиккан адабий таъсир омили билан чегаралаб кўйишни истамаймиз. Дарвоқе, шуни ҳам унутмаслик керакки, ёшлик чоғларида ижодий-рухий изланиш жараёнида ёппасига хамма-хаммадан эмас, балки тугма ўхшаш, рухан, табиатан яқин истеъдодларгина ўзаро маънавий мулоқотга киришади. Хусусан, «Кандай чексиз эди рухий поёнинг» мисрасадан шуни англаш мумкинки, устоз Гафур Гулом рухий поённинг бепоёнлигини ҳеч ким Абдулла Ориповдай аниқ ва равшан тасаввур килолмаса керак.

Абдулла Ориповнинг «Баҳор» шеърида Шайхзода хаёлини васф этувчи махзун мисралар келади: «Бекиёс эди у шеър лочини! Хаёли бамисли Кўрагонийдек. Гар тарих эврилса, шухрат тожини Унга кийгизарди Султон Улугбек. Балхдан хориб кайтган Алишер мисол Энди тўлгизганди чўккан давотин. Кетди пок бир сиймо. Теран бир хаёл Колдириб дунёда ҳеч ўчмас отин. Бакою бебако аён буюклик Ўтди сўнгги дамда бош эгиб куйи. Факат билганидан колмас Тириклик. Мана, гулга чўммиш Чигатой бўйи». Максуд Шайхзоданинг ўз замонида сигмаган улкан иктидорини ва бетакрор ижодий қисматини акс эттирувчи мазкур мисралар таъсирчан поэтик мундарижаси туфайли хотирамизга ўрнашади. Табиийки, ушбу мисраларда ҳам самимий меҳр, ёлқинли мухаббат ўз ифодасини топган. Лекин ёш шоир устозга эхтиром туйгуларини ифодалаш билангина чекланмаган. Шайхзоданинг тенгсиз ижодий жасоратини ҳамда аччиқ қисматини бир неча ёркин мисра ва эсда коларли деталлар орқали маҳорат билан умумлаштиришга эришган. Жудаям оғир ва машаккатли бир даврда унинг Мирзо Улугбек образини ва фожиасини дохиёна севги ва куйинчаклик билан яратишини ёш Абдулла Орипов тўлиб-тошиб, тўлқинланиб куйлайди. Замонининг шафқатсиз чигиригидан бир амаллаб ўтган ва беомон синовларга бардош берган санъаткор умрининг ва асарларининг асосий сабоқларини англашга ва англатишга интилади.

Устоз Абдулла Каххорга багишланган атиги саккиз сатрли, бироқ жудаям теран

фалсафий маънолар билан йўгрилган шеърида ҳам Абдулла Орипов поетик умумлашмалар яратиш йўлидан боради:

Йўллар ортимизда колар эдилар, Сахролар коларди чексиз, бетакрор. Нега улар чексиз, десам дедилар:

Бу ердан ўтганди Абдулла Каххор.

Шеърда улуг санъаткорнинг мураккаб хаёт йўли ва хавас килгудек ижодий толеи – умумхалк мухаббатига сазовор бўлган бахтиёр ижодкор тақдири рост ва ишонарли тасвирланган.

Абдулла Орипов буюк ёзувчи образининг халк калбидан канчалар чуқур жой олганига ургу берган. Янада аникроги, халк ва Абдулла Каххор муносабатларини чиройли ва таъсирчан акс эттирган. Яъни Ватан кенгликлари, она юрт сахрolari Абдулла Каххор сўзи туфайли чексиз, бепоён. Ватанимиз чўккилари ҳам Абдулла Каххор сўзининг кудратидан салобатли, сарбаланд, юксак!.. Гўзал ва хакконий муболага, шундай эмасми?!

Аён бўлдики, катта авлодга мансуб ёзувчи ва шоирлар образига мурожаат килар экан, уларнинг номини шунчаки улуглашни мақсад килиб кўймайди. Аксинча, устоз адибларнинг ўзига хос ва бетакрор киёфаларини бадиий гавдалантиришга ҳаракат килади. Мазкур жиддий поетик ниятни эса ёш издошлар устоз санъаткорлар хаёт ва ижод йўлининг бадиий-фалсафий тахлили, уларнинг инсон сифатида ўзига хос хусусиятларини ва асарларнинг етакчи пафосини, муҳим кирраларини хакконий ёритиш, маҳорат билан умумлаштириш оркали амалга оширади. Улар хақидаги теран мазмунли манзумалари оддий ва анъанавий багишловлардай таассурот колдирмайди.

Шоир мураккаб ва улугвор умр йўлларининг нозик ва хассос поетик тахлилидан келажак учун зарурий хулосалар чиқаради. Умуман, 60-йиллар шоирлари, салафлар шеърияти ва шахсияти 60-йиллар шоирлар авлодининг келгуси тақдирига, адабий-маънавий улгайиши ва камолотга етишида эса, мана шундай ижодий сабоқлар ҳамда хаётий хулосаларнинг умидбахш таъсири бекиёс эди.